

Хашимов Пазлиддин Зукурович,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий
университети “Иқтисодиёт назарияси”
кафедраси доценти, иқтисодиёт фанлари
номзоди

Устаджалилов Достонбек Рустамович,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий
университети 2- курс магистранти

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

УДК: 330.341.42

**ХАШИМОВ П.З., УСТАДЖАЛИЛОВ Д.Р. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ТАРКИБИЙ
ЎЗГАРИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

Мақолада иқтисодиётнинг таркибий тузилишига таъриф берилган бўлиб, тармоқ таркибининг тарихий ривожланиш босқичларини ўрганиш натижалари келтирилган. Унда ривожланган давлатлар иқтисодиёти таркибида содир бўлган ўзгаришлар, баъзи мамлакатларда меҳнат ресурсларининг тармоқлар бўйича тақсимланиши, Ўзбекистон Республикасида ЯИМнинг тармоқлар бўйича таркиби баён қилинган.

Таянч иборалар: иқтисодиётнинг таркиби, саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаси, ахборот индустрияси, модернизация, диверсификация, ялпи ички маҳсулот, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, меҳнат ресурслари.

**ХАШИМОВ П.З., УСТАДЖАЛИЛОВ Д.Р. ПУТИ ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ СТРУКТУРНЫХ ИЗМЕНЕНИЙ
В НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКЕ**

В статье дано определение структуры экономики и приводятся результаты изучения этапов исторического развития отраслевой структуры. В ней излагаются происходящие изменения в структуре экономики развитых государств, распределение трудовых ресурсов по отраслям в некоторых странах, отраслевая структура ВВП в Республике Узбекистан.

Ключевые понятия: структура экономики, промышленность, строительство, сельское хозяйство, сфера услуг, индустрия информации, модернизация, диверсификация, валовой внутренний продукт, малый бизнес, частное предпринимательство, трудовые ресурсы.

**KHASHIMOV P.Z., USTADJALILOV D.R. WAYS OF STRUCTURAL CHANGES IMPLEMENTATION IN
THE NATIONAL ECONOMY**

There is discussed in the article the structure of the economy and presented the results of the sectorial structure development history's stages study. It outlines the ongoing changes in the structure of the economy of developed countries, the distribution of labor resources by industry in some countries, and the sectoral structure of GDP in the Republic of Uzbekistan.

Key words: economy structure, Industry, construction, Agriculture, Services, information industry, modernization, diversification, gross domestic product, small business, private enterprise, labor resources.

Кириш.

Маълумки, дунёнинг барча ривожланган давлатлар иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар тизимли тавсифга эга бўлиб уларга макроиқтисодий вазият таъсир кўрсатади. Бу эса индустриал жамиятдан постиндустриал жамиятга ўтиш жараёни билан давом этади. Бундай таркибий ўзгаришлар қатор хусусиятларга эга. Жумладан, иқтисодиётда анъанавий тармоқлар хиссасининг қисман қисқариши (биринчи ўринда қишлоқ хўжалиги, қазиб олиш ва қайта ишлов бериш соҳалари), ва шунинг билан хизмат кўрсатиш соҳаси, юқори технологик ва чуқур илм талаб қиладиган тармоқлар хиссасининг эса кўпайиши ва шу орқали янги илмий - техник тараққиёт маҳсули бўлган натижаларга эришиш соҳалари ўрнининг ошиб бориши жуда катта аҳамият касб этмоқда. Ушбу феномен халқаро ва мамлакатлараро тавсифга эга бўлиб, жаҳон иқтисодиёти таркибининг ўзгариш тенденцияларини шакллантиради. Мазкур жараёнга кўплаб янги давлатлар интеграциялашиб, жаҳон иқтисодиётида янги ишлаб чиқариш турларининг юзага келишига ўз хиссасини қўшмоқда ва шу жумладан Ўзбекистон ҳам жаҳон ҳамжамятига шахдам қўшилиб бормоқда.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.

Таркибий ўзгаришлар иқтисодиётни модернизациялашнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб, ривожланиш даражасидан қатъий назар барча мамлакатларга хос ҳисобланади. Таркибий ўзгаришлар узлуксиз жараён сифатида доимий равишда иқтисодиётнинг қайси йўналишда, қайси омилар асосида, қандай даражада ривожланаётганлигини кўрсатади.

Ҳозирги вақтда, таркибий ўзгаришлар жараёни иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатларда жадал кечмоқда.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида ҳам туб таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Республикамиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек "Энергетика, нефть-газ, геология, транспорт, йўл қурилиши, қишлоқ ва сув хўжалиги, ичимлик суви ва иссиқлик таъминоти ҳамда бошқа қатор тармоқларда чуқур таркибий ислохотлар бошланди. Саноатнинг 12 та етакчи тармоғида модернизациялаш ва рақобатдошликни кучайтириш дастурлари жадал амалга оширилмоқда"¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь. // "Халқ сўзи" газетаси. 2020 йил 25 январь.

Буларнинг барчаси мазкур тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг назарий асослари О.С.Сухарев, Н.Б.Буркова, Н.И.Воловик, А.И.Анчишкиш, М.З.Бора, Н.И.Ведути, Ф.А.Воробейев, В.В.Косова, А.Кронрод, В.И.Маевский, А.И.Ноткина, Н.Ю.Петракова, С.Т.Шаталина, В.К.Юренко, С.Н.Жаворонков ва бошқа иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ қилинган.

Н.Д.Кондратьев, В.В.Леонтьев, П.А.Сорокин ва бошқалар ўз тадқиқотларида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва таркибий ўзгаришларни прогнозлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратганлар.

Л.И.Абалкин, А.Г.Аганбегян, В.М.Агеева, В.С.Афанасьева, С.Д.Валентей, А.Е.Городецкий, П.С.Гренберг, В.М.Кудрова, Л.М.Никифоров, Ю.Г.Павленко, И.А.Рубинштейн, А.А.Сергеева, Д.Е.Сорокин, В.Н.Черковец ва бошқаларнинг илмий ишларида иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш методологияси баён қилинган.

Республикамизда иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш хусусиятлари А.В.Вахабов, А.Ф.Расулев, Ҳ.П.Абулқосимов, Н.Тухлиев, Т.М.Ахмедов, С.В.Чепель, Ш.Х.Назаров, Н.Г.Муминов, Р.А.Сейтмуратов, У.А.Мадрахимов ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

Тадқиқотнинг мақсади миллий иқтисодиётда содир бўлаётган таркибий ўзгаришлар мазмун ва моҳиятини янада кенгроқ ёритиш, бу жараёнларни фаоллаштириш бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот методлари. Мақолани тайёрлаш жараёнида диалектик таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, илмий абстракция, монографик кузатув, тизимли ва қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Асосий натижалар. Иқтисодиётнинг таркиби жуда мураккаб ва кўп қиррали тушунча бўлиб, турли иқтисодий тизимлардаги тармоқларнинг ўзаро муносабатларини ифодалайди. Иқтисодий адабиётларда у ижтимоий, тармоқ, ишлаб чиқариш, минтақавий (худудий) ва ташқи савдо таркибларга бўлинади. Иқтисодиётнинг тармоқ таркиби жуда кенг маънода кенгайгани ишлаб чиқариш ва ижтимоий меҳнат тақсимооти жараёнида ишлаб чиқаришнинг алоҳида шароитларини тавсифлайди.

Шуни таъкидлаш лозимки, миллий иқтисодиётни асосий қисмларга бўлиш ҳам (саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, савдо ва бошқалар) меҳнат тақсимотини ифода-лайди. Ўз вақтида меҳнат тақсимооти эса, ҳар бир иқтисодиёт бўғинларида тармоқларнинг борлигини тақозо этади. Масалан, ишлаб чиқариш тармоғида – қазиб олиш ва қайта ишлов бериш тармоқлари, қайта ишлов тармоғида эса - енгил саноат, озиқ-овқат саноати, машинасозлик каби соҳаларнинг ривожланишига олиб келади. Машинасозлик эса асбоб-ускунани ишлаб чиқариш соҳасини ўз ичига олади ва шу мантикий тизим бўйича меҳнат тақсимооти юз беради.

XVIII асрда Ф.Кене ("Иқтисодий жадвал", 1758) ва Ж.Б.Сэй иқтисодиёт таркибини тавсифлайдиган ва ижтимоий маҳсулотни қайта тиклаш босқичлари бўйича тадқиқотлар олиб боришган ва биринчи марта ижтимоий маҳсулот ҳаракатини уч босқичга ажратишган: ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол.

XX асрнинг биринчи ярмида К.Кларк асарларида асосий (қишлоқ хўжалиги), ўрта (саноат) ва учинчи соҳа (хизмат кўрсатиш соҳаси)ларга бўлиниб, иқтисодиёт таркибини ўрганиш учун секторал бўйича ёндашувни таклиф этилган. Кейинчалик Д.Белл тўртинчи ва бешинчи тармоқларни киритади.

Тармоқ таркибининг тарихий ривожланиш босқичларини ўрганиш натижасига кўра иқтисодиёт тармоқларининг диверсификацияси ва иқтисодиётдаги улуши ўзгариб боради. Унга кўра "биринчи тармоқлар" (қишлоқ хўжалиги ва қазилма саноат), "иккинчи тармоқлар" (саноат ва қурилиш) ва "учинчи тармоқ" (хизмат кўрсатиш соҳалари – сервис)га ажратилган, ҳозирги кунда янги тармоқ таркиби, яъни "тўртинчи тармоқ" (ахборот индустрияси) шаклланди ва ривожланмоқда.

Ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнида тармоқлар ўртасида яқин алоқалар пайдо бўлади, ва бундай алоқаларни ўрганиш иқтисодиётнинг ўсишини прогновлаштиришда муҳим роль ўйнайди. Уни илк бор таҳлилни ўзининг тармоқлараро мутаносиблик моделида В.Леонтьев алоҳида этибор билан кўрсатиб, иқтисод фанидан Нобель мукофотига сазовор бўлган. Ушбу моделнинг номи - "Ишлаб чиқариш ҳаражатлари" бўлиб, унда сон жиҳатдан ҳар бир тармоқнинг ресурс ҳаражатлари ва ишлаб чиқариш миқдори нисбатлари ўрганиб чиқилиб, товар ва хизмат-

ларнинг миллий иқтисодиётнинг бир тармоғидан иккинчи тармоғига ҳаракатланиши ўрганилган.

XX асрнинг охирига келиб постиндустриал жамиятга ўтиш сабабли, ривожланган давлатлар иқтисодиёти таркибида қуйидаги ўзгаришлар яққол ўз аксини топди:

- ЯИМда қишлоқ хўжалиги, қазиб олиш ва оғир саноат тармоқлари улушининг кескин камайиши;

- юқори технологияларга бой маҳсулотларни ишлаб чиқариш, масалан, асбоб-ускуналарни ишлаб чиқарувчи тармоқлар;

- хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМ даги улушининг ортиб бориши, масалан, фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқалар.

Замонавий иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни таҳлил қилиш қуйидагилар асосида амалга оширилди:

- ЯИМ таркибида иқтисодиёт тармоқлари (бирламчи ва иккиламчи тармоқлар, хизмат кўрсатиш соҳалари) улуши динамикаси (товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш нисбати) ва иш билан банд бўлганлар сони;

- ЯИМ таркибидаги тармоқлар улуши динамикаси (шу жумладан, тармоқ эластиклиги коэффициентлари ва таркибий аванс коэффициентларидан фойдаланган ҳолда);

- импорт ва экспорт таркибининг ҳаракати;
- оралиқ истеъмол ҳаракати (моддий талаб);
- ишлаб чиқариш ва истеъмол динамикаси;
- иқтисодиёт ўсиш суръатларининг динамикаси (шу жумладан, иқтисодиётнинг ўсиш сифати индексида фойдаланган ҳолда).

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни тартибга солишдан асосий мақсад, унинг пропорционал ва мутаносиб ўсишини таъминлаш демакдир. Шу сабабдан, таркибий ўзгаришларни асослаш учун ҳар томонлама таҳлил ва баҳо бериш жараёни муҳим роль ўйнайди. Жумладан, таркибий ўзгаришларнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучларини аниқлаш, уларнинг иқтисодиёт таркибига таъсирига баҳо бериш, миллий иқтисодиётнинг ўсиш динамикаси ва самардорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш иқтисодчиларнинг вазифасига киради. Бунда таркибий ўзгаришларга баҳо беришнинг икки жиҳати катта аҳамият касб этади. Биринчиси - сифат жиҳатидан асосий таркибий ўзгаришлар ва миллий иқтисодиёт ўсиши ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилиш бўлса, иккинчиси - сон жиҳатидан таркибий ўзгаришлар ва уларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини таҳлил қилиш ҳисобланади.

1-жадвал. Меҳнат ресурсларининг тармоқлар бўйича тақсимланиши (Япония, Жанубий Корея, Хитой ва Ўзбекистон)¹

Аҳоли бандлиги, %	Япония		Жанубий Корея		Хитой		Ўзбекистон	
	2007 й.	2017 й.	2007 й.	2017 й.	2007 й.	2017 й.	2007 й.	2017 й.
Саноат	28,21	25,58	25,46	24,79	26,8	28,1	14,0	13,5
Қишлоқ хўжалиги	4,29	3,49	7,59	4,89	40,8	27,0	38,0	27,3
Хизмат кўрсатиш	67,5	70,93	66,37	70,32	32,4	44,9	48,0	62,2

Миллий иқтисодиётда таркибий ўзгаришларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини баҳолашда қуйидагиларни амалга ошириш муҳим саналади:

1. Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни таснифлаш, таркибий ўзгаришларнинг интеграл миқдор ва сифат хусусиятлари ҳамда параметрларини таҳлил қилиш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш.

2. Таркибий ўзгаришларни амалга ошириш механизмнинг ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларини ривожлантиришга таъсирини тавсифлаш.

3. Иқтисодиётдаги номутаносибликларнинг асосий сабабларини аниқлаш ва амалга оширилаётган ислохотлар натижасида содир бўлаётган ижобий таркибий ўзгаришлар оқибатларини таҳлил қилиш.

4. Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда тармоқлар таркибидаги ўзгаришларни баҳолаш.

5. Аҳоли даромадлари манбаларининг тармоқлар кесимида ўсишини прогнозлаштириш.

6. Саноатдаги таркибий ўзгаришларни прогнозлаштириш.

7. Миллий иқтисодиёт тармоқларининг таркибий номутаносиблигини макроиқтисодий таҳлил қилишни такомиллаштириш йўналишларини ишлаб чиқиш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий вазифаларига эришишга қаратилган амалий тавсиялар ва ёндашувларни таклиф қилиш.

Миллий иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини таҳлил этишда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- тренд сифатида реал ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатларини инобатга олиш зарур;

- иқтисодий ўсиш - узоқ муддатли тавсифга эга бўлган жараёндир; шу сабабдан энг камида 10 йиллик даврни таҳлил қилиш лозим;

- иқтисодий ўсиш билан бир қаторда аҳоли турмуш фаровонлигини ифодаловчи кўрсаткичларни ҳам таҳлил қилиш керак.

Меҳнат ресурсларини тармоқ кесими бўйича тақсимланишига эътибор қаратадиган бўлсак, 1-жадвалдан кўриниб турибдики, мамлакатларда меҳнат ресурсларининг тармоқлар бўйича тақсимланиши ва ҳаракатланиши ўзгариб борган. Жумладан, 2007-2017 йиллар оралиғида бандлик қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқларида сезиларли даражада камайган бўлсада, хизмат кўрсатиш соҳасида ортиб борган. Хусусан, Япония қишлоқ хўжалигида банд аҳоли салмоғи 4,29 фоиздан 3,49 фоизга (-0,08 фоиз), Жанубий Кореяда 7,59 фоиздан 4,89 фоизга (-2,7 фоиз), Хитойда эса 40,8 фоиздан 27,0 фоизга (-13,8 фоиз) камайган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, республикамызда қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳолининг салмоғи Япония ва Жанубий Кореядаги кўрсаткичларидан кескин фарқланади. Саноатда банд бўлган аҳоли салмоғи бўйича тафовут қишлоқ хўжалигидаги ҳолатга нисбатан тескари ҳолатга эга. Ривожланган давлатлар қатори Ўзбекистонда ҳам хизмат кўрсатиш соҳасида бандликнинг ошиши акс этган. Хизмат кўрсатувчи тармоқлардаги тафовутлар эса юқори эмас.

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатмоқдаки республикамыз иқтисодиётида қишлоқ хўжалигини механизациялаш орқали ортиқча банд бўлганларни саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасига кўчириш талаб этилади. Ушбу ислохотни амалга ошириш учун қишлоқ хўжалигида бандларни малакали ишчи даражасига олиб чиқиш талаб этилади.

Таъкидлаш жоизки, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 3.2 бандига асосан “Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг

¹ Review of Competitiveness Frameworks-Harvard Business School 2019.

1-расм. Ўзбекистон ЯИМнинг 1988-2018 йилларда реал ўсиши, % да (ўтган йилга нисбатан)¹.

рақобатбардошлигини ошириш² белгиланган. Жумладан:

- миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улушини кўпайтириш;

- ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш;

- юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган, сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш;

- ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш сиёсатини давом эттириш ҳамда, энг аввало, истеъмол товарлар ва бутловчи буюмлар импортининг ўрнини босиш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш;

- хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало,

уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасини 2030 йилгача ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Концепциясига кўра макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш барқарорлигини таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлиги, инвестиция ва экспорт салоҳиятини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳимоя қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш каби чора-тадбирлар назарда тутилган. Бундан ташқари ЯИМнинг 2018-2030 йилларда ишлаб чиқаришнинг реал қийматини 2,3 баробар ошириш, ЯИМда ишлаб чиқариш, қурилиш улушини ошириш кўрсатилган. Хизмат тармоқларининг реал қийматини 2,1 баробар ошириш ҳамда унинг ЯИМдаги улушини ошириш ва шу билан бирга қишлоқ хўжалиги ЯИМдаги улушини камайтириш вазифаси қўйилган. Ишлаб чиқариш салоҳиятининг ўсиши келажакда экспортнинг 3 баробар ошишига олиб келади, деб таъкидланган³.

Ўзбекистон ўзининг ривожланиш моделини изчил амалга ошириши натижасида, бошқа собиқ Иттифоқ мамлакатларига нисбатан энг қисқа муддатда, 1996 йилда иқтисодий таназзулнинг олдини олди, макроиқтисодий барқарорликни таъминлади ва иқтисодиёт таркибини ўзгартириш билан боғлиқ асосий иқтисодий ислохотларни амалга оширишга киришди.

Ўзбекистон иқтисодиёти 1996-2003 йиллар давомида ўртача йиллик 4 фоиз иқтисодий ўсиш

¹ <https://knoema.com/atlas/Uzbekistan/topics/Economy/National-Accounts-Gross-Domestic-Product/GDP-growth>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармони. - <https://lex.uz/docs/3107036>

³ https://regulation.gov.uz/uz/document/8839-kontseptsiya_kompleksnogo_sotsialno_ekonomicheskogo_razvitiya_respubliki_uzbekistan_do_2030_goda

2-жадвал. Ялпи ички маҳсулотнинг иқтисодий тармоқлари бўйича таркиби (жорий нархларда, млрд. сўм)¹

Кўрсаткичлар	2000 й.		2005 й.	2010 й.	2015 й.	2018 й.	
	номинал	%				номинал	%
ЯИМ, жами	2848	100,0	14 233,3	64 578,4	190 036,2	361 951,1	100,0
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	978,5	34,4	4 192,8	21 251,3	64 680,3	117 315,8	32,4
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	658,6	23,1	4142	16 757,9	49 849,2	115 818,3	32,0
Хизматлар	1210,9	42,5	5 898,5	26 569,2	75 506,7	128 817	35,6

даражаси билан ривожланди. Қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнлари натижаси сифатида мамлакатимиз иқтисодиёти 2004 йилдан бошлаб 2015 йилгача йиллик 7-9 фоиз даражасидаги юқори ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эга бўлди.

Мустақиллик йилларида саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожланиш салоҳиятини янада кенгайтириш натижасида ЯИМ таркибида қишлоқ хўжалиги улушининг босқичма-босқич камайиш тенденцияси сақланиб қолди, хусусан 2000 йилдаги ҳолати 34,4 фоиздан 2018 йилда 32,4 фоизга тушди. Шу билан бирга, ЯИМ таркибида қишлоқ хўжалиги улушининг камайиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ижобий ўртача йиллик ўсиш суъатлари фонида содир бўлди.

Саноатни модернизациялаш, диверсификациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ўсиши ва ЯИМ таркибида саноатнинг (қурилишни қўшган ҳолда) улуши 2000 йилдаги 23,1 фоиздан 2018 йилда 32,0 фоизгача ошди.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши аксинча 2000 йилдаги 42,5 фоиздан 2018 йилда 35,6 фоизга тушди.

Жадвал маълумотлари таҳлил қилинганида мамлакат ЯИМ номинал миқдори кескин ортишининг иккита асосий сабаби мавжудлиги кўринди:

- юқори ва барқарор иқтисодий ўсиш;
- ўрта ва юқори даражадаги инфляция;

Иқтисодиётнинг тармоқ таркибидаги ўзгаришлар қишлоқ хўжалигининг ЯИМдаги улушини қисман қисқариши, саноат тармоғининг кескин ошиши ва хизматлар тармоқларининг ЯИМдаги улушини қисман қисқаришини кўрсатмоқда.

Бунинг асосий сабаби саноат тармоғининг иқтисодий ўсиш даражаси қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш тармоқларининг иқтисодий ўсиш даражасидан юқорилиги, давлатимизда Президентимиз бошчилигида олиб бораётган ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича иқтисодий сиёсатининг натижасидир.

Ушбу давр мобайнида иқтисодий ўсишнинг локомотиви саноат тармоғи бўлди. Асосий сабаблардан бири, мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятига нисбатан сезиларли миқдордаги жалб қилинган инвестициялар, малакали ишчи кучининг ошиб бориши саноатнинг ЯИМ даги улушини ошириш имкониятини берди.

Кейинги йилларда мамлакатнинг таркибий ўзгаришида ҳудудларнинг роли сезиларли даражада ошди. Ҳудудларнинг иқтисодий салоҳияти ва рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилган бир қатор чора-тадбирлар қабул қилинди.


Ўзбекистон ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва иқтисодий ўсиш суръатларидаги нотенгликлар бир қатор объектив сабаблар – бозор ислохотларининг дастлабки давридаги ҳудудий ривожланиш даражаси, ҳудуднинг инвестицион жозибадорлиги, иқтисодий-географик ривожланиши, инфратузилманинг ривожланганлик даражаси, инновацион салоҳияти ва бошқа кўпгина омиллар билан изоҳланади.

Учинчи расмда куриниб турибдики, республика ЯИМ ни шакллантиришда ЯҲМ нинг улуши бўйича Тошкент шаҳри 13,5 фоиз билан етакчилик қилмоқда.

Тошкент ва Самарканд вилоятлари мос равишда 9,5 фоиз ва 7,7 фоиз кўрсаткич билан кейинги ўринларни эгаллайди.

ЯҲМ нинг энг кам улуши Сирдарё (2 фоиз), Жиззах (3 фоиз) вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида (3,7 фоиз) қайд этилган. Ушбу ҳолат вилоятларни ривожлантиришда нотенгликлар мавжудлигини англатади ва ушбу вилоятларда янги ишлаб чиқариш кучларини барпо этиш зарурлигини англатади.

¹ http://web.stat.uz/open_data/uz/3.4%20Structure_GDP_uzb.pdf

3-расм. 2018 йилда ЯИМни шакллантиришда ҳудудларнинг иштироки (ЯИМга нисбатан фоизда)¹.

Аҳоли жон бошига ЯҲМ нинг ҳудудий дифференциацияси бўйича таҳлили шуни кўрсатадики, Тошкент шаҳрида бу кўрсаткич ўртача республика даражасидан 2,1 баробарга юқори. Навоий вилоятида бу кўрсаткич 1,8 баробар, Тошкент вилоятида 1,2 баробарни ташкил этади. Аҳоли жон бошига ЯҲМ нинг ҳажми бўйича ҳудудлараро тафовут 3,9 баробарни ташкил қилади². Агар шу тенденция сақланиб қоладиган бўлса, яқин истиқболда биз ҳудудлараро нотекислик rischi муаммосига дуч келамиз.

Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишлари диверсификациялаш, ресурсларга қарамликни камайтириш, юқори улушли қўшилган қийматга эга тармоқларни ривожлантириш ва юқори технологияли ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳисобланади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиши иқтисодий ўсиш учун қулай шарт-шароитларни

яратиш ва ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини оширишга йўналтирилган.

Ҳудудлар иқтисодиётини такомиллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирлар хомашё ишлаб чиқаришга йўналганлигини бартараф этишга, ишлаб чиқариш-технологик базасини шакллантириш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги номутаносибликларни камайтириш имконини берди. Хизмат кўрсатиш соҳаси аҳолининг барча қатламларини қамраб олди ва жамиятда содир бўлаётган деярли барча ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсир кўрсатди, бу ҳолат таркибий ўзгаришларнинг аҳоли турмуш даражасига таъсирини ифодалайди.

2000-2018 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш динамикаси деярли барча ҳудудларда ижобий ривожланиш тенденцияларини кўрсатиб турибди. 2018 йилда Наманган, Қашқадарё, Жиззах вилоятлари ва Тошкент шаҳри пешқадамлар қаторидан жой эгаллашган. Тошкент шаҳрида юқори ўсиш суръатларининг таъминланиши, аввало, аҳоли реал даромадларининг ўсиши, якуний истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоқларининг ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, бу ҳар хил турдаги хизматларнинг ривожланишига кучли таъсир кўрсатмоқда.

¹ http://web.stat.uz/open_data/uz/3.6%20Volume_GRP_uzb.pdf

² http://web.stat.uz/open_data/uz/3.8%20Volume_GRP_per_capita_uzb.pdf

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, саноати ривожланган ҳудудларда (қазиб олиш саноатини ҳисобга олмаган ҳолда) – Навоий, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри бўйича хизмат кўрсатиш соҳасининг ўртача аҳоли жон бошига кўрсаткичлари Самарқанд, Наманган, Хоразм, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларига нисбатан юқорилиги кузатилди.

Янги иш ўринларини ташкил этиш, инвестиция, солиқ, пул-кредит ва илмий-техник сиёсатни такомиллаштириш ҳамда янги ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда кичик бизнесни ривожлантириш орқали иқтисодиётнинг янада барқарор ўсишини таъминлаш, бозор хизматларининг тармоқ тузилмасида сифатли таркибий ўзгаришлар қилиш имконини беради.

Бу эса, Ўзбекистонда хизматлар ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишнинг оқилона тузилмасини шакллантириш ҳамда аҳоли турмуш даражаси ва сифатини янада оширилишини таъминлаш имконини беради.

Миллий иқтисодиётдаги вазият ва жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулосаларга келиш мумкин,

Биринчидан, асосий 4 секторларни чуқур ўрганиш, уларнинг давлат иқтисодиётига таъсири корреляциясини сифат ва сон жиҳатдан таҳлил қилиш катта аҳамиятга эгадир. Буларнинг натижалари асосида амалий Давлат дастурлари стратегиялари ва концепцияларини қабул қилиш миллий иқтисодиётда ижобий таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг муҳим омили бўлиши мумкин.

Иккинчидан, билимлар иқтисодиётига ўтиш жараёни жаҳоннинг ривожланган давлатлар каби миллий иқтисодиётда тадбиқ этиш чора-тадбирлари келажакда барқарор ва кескин иқтисодий ўсишни таъминлаш шароитини яратди. Унинг асосида, ЯИМ да билимларнинг – информацион ресурсларнинг улушида ўз ўрнини акс эттириши долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Учинчидан, жаҳон тажрибасига асосан иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари, хусусан, постиндустриал шароитда ЯИМда хизмат кўрсатиш соҳасининг улушини ошириш, қишлоқ хўжалигининг улушини эса нисбатан қисқариш асосида миллий иқтисодиётнинг таркибини оптималлаштириш чора-тадбирлари келажакда иқтисодий ўсиш ва аҳоли даромадларини ошириш имконини беради. Улар орасида кучли корреля-

ция боғлиқлик мавжуд. Бу қишлоқ хўжалигидан бўшган меҳнат ресурсларини янги йўналишга сафарбар этиш имкониятини беради.

Тўртинчидан, қулай ишбилармонлик муҳитининг яратилиши, инвестицияларнинг кенг жалб қилиниши натижасида нафақат иқтисодий ўсиш суръатларининг ошиши, балки иқтисодиёт таркибида муҳим сифат ўзгаришларининг юз бериши кузатилади. Таркибий ўзгаришлар борасидаги сиёсатнинг изчил амалга оширилиши натижасида мамлакат иқтисодиёти таркиби диверсификация қилинади, янги тармоқлар пайдо бўлади, барча эски тармоқларни модернизация қилиш имконини беради.

Бешинчидан, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларини амалга оширилиши натижасида макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш барқарорлигини таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлиги, инвестиция ва экспорт салоҳиятини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳимоя қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, меҳнат бозоридаги кескинлик даражасини пасайтириш, аҳоли даромадларини ошириш ва кам таъминланганликни камайтириш, ҳудудларни мутаносиб ривожланиш имконини беради.

Олтинчидан, миллий иқтисодиётнинг статистик маълумотларидан келиб чиққан ҳолда хизмат кўрсатиш соҳасини етарли даражада ривожлантириш каби долзарб масала ҳукумат олдида тургани, унинг дунёнинг ривожланган давлатлар тажрибасига асосан ЯИМ да унинг улушини 50 фоизга етказиш масаласи ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир.

Еттинчидан, миллий иқтисодиётда қишлоқ хўжалигига ЯИМ нинг қарийб учдан бир қисми тўғри келиши жуда салбий натижа ҳисобланади. Давлатимизнинг аграр йўналишга чуқурлаштирилган иқтисодиётдан, индустриал, сервисга йўналтирилган постиндустриал, инновацион ва билимлар иқтисодиётига ўтиши долзарблиги ниҳоятда эътиборга сазовордир. Жумладан, ушбу мақсадга эришиш учун ҳукуматнинг иқтисодий сиёсатида бу масала алоҳида ўрин олиши, амалий чора-тадбирларни қабул қилиниши давр талаби ҳисобланади.

Саккизинчидан, 2000 йилдан 2018 йилгача ЯИМда ишлаб чиқаришнинг кескин ортишига сабаб бўлган бир нечта омиллар бор. Хусусан, ҳукуматнинг иқтисодий ва ишлаб чиқаришга оид

сиёсатини самарали олиб борилганлиги алоҳида эътиборга лоиқ.

Тўқизинчидан, ҳозирги вақтда мулкчилик муносабатларида ижобий ўзгаришлар рўй бераётгани, хусусан, нодавлат секторининг улушини 81 фоизга етиши ва бу жараёни давом эттириш масаласи жуда зарурлигини айтиб ўтиш жоиз.

Ўнинчидан, ҳудудларни мутаносиб иқтисодий ўсишини таъминлаш, уларнинг моддий-ресурс базасидан, имкониятларидан, афзалликларидан оқилона фойдаланган ҳолда ривожлантириш, ҳудудлараро дифференциацияга йўл қўймаслик алоҳида эътиборга лойиқдир.

Хулоса ва таклифлар.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш мақсадида қуйидаги йўналишларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Биринчидан, билимлар иқтисодиётига ўтиш учун қуйидаги универсал воситаларни ишлатиб, улар ёрдамида керакли бўлган шарт-шароитлар яратиш мумкин. Жумладан,

- юқори технологиялар ва инсон капиталини ривожлантириш соҳасида янада қулай инвестицион шароитни яратиш;
- жамиятда илмни асосий иқтисодий ўсиш омили сифатида ривожлантириш;
- ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида рақобатни қўллаб-қувватлаб, соҳаларда инновацион жараёнларга импульс бериш;
- иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг мослашувчан механизмини ишлаб чиқиш.

Иккинчидан, мамлакатимизнинг қулай географик жойлашишидан фойдаланган ҳолда, биринчи 20 йилликда асосий эътиборни юқори технологияларга эга бўлган ишлаб чиқаришга йўналтириш, унинг техник салоҳиятини мамлакатда фақатгина фан ва техникани ривожлантириш йўли билан модернизация қилиш керак.

Учинчидан, қишлоқ хўжалигини механизациялаш натижасида бўшаган ортиқча меҳнат ресурсларини саноатга сафарбар қилиш чоратадбирларини кўриш.

Тўртинчидан, мамлакатимизда ЯИМда хизмат кўрсатиш соҳаси улушини кўпайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, жумладан, 2040 йилгача Ўзбекистон иқтисодиётининг хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

Иқтисодиёт таркибий ўзгариш йўналишларини чуқурлаштириш чора-тадбирлари жаҳон иқтисодий ҳамжамиятида ниҳоятда эътибор остида бўлиб, кўплаб иқтисодчи олимларнинг илмий нашрларида, ҳукуматлар қарорларида ўз аксини топган. Бинобарин, бу долзарб йўналишни чуқур ўрганмасак, дунё миқёсидаги макротенденцияларни тўғри таҳлил қила олмаслигимиз эҳтимолига олиб келади, ва ҳукуматнинг иқтисодий ўсишга доир бўлган амалий чора-тадбирлари самараси паст бўлиш эҳтимоли бор. Айни вақтда, таркибий ўзгаришлар бўйича оқилона қабул қилинган иқтисодий сиёсат, иқтисодий ўсишда ниҳоятда катта ютуқларга эришишга, дунёнинг иқтисодий ривожланган давлатлар қаторига кириш имконини беради.

Адабиёт рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь. // "Халқ сўзи" газетаси, 2020 йил 25 январь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармони. - <https://lex.uz/docs/3107036>
3. Вахабов А.В., Жумаев Н.Х., Хошимов Э. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози. - Т.: «Академнашр», 20
4. Рахимова М.Р., Ишмухедов А.Э. Минтақавий иқтисодиёт. -Т.: ТДИУ. 20
5. Абулқосимов Х.П. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш. -Т.: "Ноширлик ёғдуси", 2018.
6. Сейтмуратов Р.А. Модернизация общества и структурное обновление экономики Республики Узбекистан. Монография. - Т.: Государственное научное изд-во «Национальная энциклопедия Узбекистана», 2006.
7. Агапова Т. А., Серёгина С. Ф. Макроэкономика. Учебник. - М.:2013.

Интернет сайтлари:

1. www.gov.uz– Ўзбекистон ҳукумати портали.
2. www.stat.uz– Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси сайти.
3. www.world bank.com – Жаҳон банки сайти.
4. Knoema.com – Дунё давлатлари иқтисодиёти статистик базаси.
5. Data.gov.uz – Ўзбекистон очиқ маълумотлар базаси.
6. Wikipedia.org – онлайн энциклопедия.
7. Norma.uz – Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий актлар базаси.
8. Lex.uz – Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий актлар базаси.